

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

Ўқув дастур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофикаштирувчи кенгашигининг 2024 йил 25 декабрдаги 46-сонли баённомаси асосида тасдиқланган.
Амал қилини муддати 2027 йил гача

Таълим муассасаси номи	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
Кафедра/ бўлим	Ижтимоий тиббиёт
Ўқув дастур номи	“Тиббий – ижтимоий экспертизаси ва тиббий – ижтимоий реабилитация”
Ўқиши тури	Ихтисослаштириш
Ўқув дастур муаллифи/муаллифлари	Инаков А.К., Миралимов М.М., Нажмитдинов Ж.Ю., Абзалова М.Х.
Циклнинг умумий соати	504 кредит

Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар

 д.м.н., профессор Инаков А.К.	 т.ф.н., доцент Нажмитдинов Ж.Ю	 т.ф.н., доцент Абзалова М.Х.	 т.ф.н., доцент Миралимов М.М.
Мақсад	Жаҳон илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқлари асосида, малакавий тавсифларга мувофиқ равишда маҳаллий соғлиқни сақлаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва врачлик-мехнат экспертизаси соҳаси бўйича мутахассис вазифаларини бажара оладиган тегишли врачлик-мехнат экспертизаси мутахассислиги бўйича билимларни ўзлаштирган эксперт мутахассисларнинг малакасини ошириш.		
Циклга таклиф қилинган мутахассислар - контингент	Тиббий-ижтиимоий экспертиза комиссиялари (ТИЭК) раислари ва аъзолари, «Саховат» ва «Муруват» уйлари, реабилитация марказлари врачлари, Врачлик маслаҳат комиссияси (ВМК) раислари ва аъзолари, бўлим мудирлари, бош врачлар, бош врач ўринбосарлари, поликлиника, стационар ва УАШлари учун		

Цикл вазифалари	<ul style="list-style-type: none"> - Тиббий ижтимоий экспертизаси (ТИЭ) нинг ҳозирги замондаги холати ва вазифалари асосларини ўзлаштириш; - касалланиш ва ногиронлик таркибида юқори миқёсга ҳамда ТИЭ амалиёти ва тиббий-ижтимоий реабилитация (ТИР) учун улкан аҳамиятга эга бўлган хасталикларда касалланиш, ногиронлик ва уларни профилактикаси; - Тиббий ижтимоий экспертизасида республикада қабул килинган мёёрий хужжатларга асосан шахсни ҳаёт фаолиятини чекланишини асосли аниқлаш, ногиронлик гурухларини, сабабларини ва муддатларини тўғри белгилаш ва уларга реабилитация чоралари ва химоя усусларини моҳиятини тушунтириш; - тиббий, ижтимоий, касбий реабилитация, шу жумладан ишга жойлаштиришнинг ҳозирги замон долзарб масалаларини ёритиб беришдан иборат. <p>Тингловчилар учун циклнинг тегишли дастурини чукур ва янгиланган тўлиқ ўқитишга имкон берувчи доимий, тизимли, изчил ва бошқариладиган ўқув жараёнини ташкил этиш.</p>
Цикл таркиби	<ol style="list-style-type: none"> 1 Модул: Ногиронлик масалалари бўйича Қонунчилик ва қонуности база. 2 Модул: Ижтимоий тиббиёт фани тушунчаси, мақсади, йўналиши, предмети ва унинг ўрганиш обьектлари. Ижтимоий тиббиёт - назария, амалиёт ва касбий фаолият тури. 3 Модул: ТИЭ тизимини ташкилий масалалари. Даволаш профилактика муассасаларида ва ТИЭКларда оиласий шифокорлар ва ТИЭК хамкорлигини ташкил этиш. Тиббий статистика асослари. ТИЭК ва Даволаш профилактика муассасаларида тиббий хужжатларини юритиши. Тиббий-ижтимоий экспертизада статистик ахборот тизими. 4. Модул: Тиббий хужжатларни шакллантириш ва тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига йўллаш. Шахснинг функционаллигини баҳолаш. ТИЭ нинг янги механизмларини ёритиши. 5. Модул: Ногиронлик сабабларини белгилаш ва унинг муддатлари 6. Модул: 18 ёшгача болалар касалликларida ногиронликни белгилаш 7. Модул: Терапевтик касалликларда ногиронликни белгилаш. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация килиш. 8. Модул: Асаб касалликларда ногиронликни белгилаш. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация килиш. 9. Модул: Жарроҳлик касалликларда ногиронликни белгилаш. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация килиш. 10. Модул: Рухий касалликларда ногиронлик белгилаш. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация килиш. 11. Модул: Кўз касалликларда ногиронлик белгилаш. Ногиронлиги

	<p>бўлган шахсларни реабилитация килиш.</p> <p>12. Модул: Инфекцион ва паразитар касалликларда (сил ва бошқалар) ногиронлик белгилаш. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация килиш.</p> <p>13. Модул: Ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий химоя чораларини белгилаш</p>
--	---

Ўқўв базалари:

1. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази
2. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати
3. “Нуроний” санаторияси
4. Тошкент шаҳри, Миробод тумани 2-сон оиласий поликлиникаси
5. Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани 8-сон оиласий поликлиникаси
6. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ТИЭКлари
7. Тошкент шаҳри 101-сон ТИЭКси
8. Тошкент вилояти 75-сон Бош ТИЭКси



--	--	--

Симуляцион асбоб/ускуналар

